


## I. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ

Жорий йилнинг январь–декабрь ойларида Қашқадарё вилоятида иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантириш учун жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 15321,1 млрд. сўм асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди ва 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 107,0 % ни ташкил қилди.

Асосий капиталга инвестицияларнинг ўсиш суратлари, фоизда  
(2018 йил январь-декабрь)



Асосий капиталга инвестицияларнинг ўзлаштирилган ҳажми бўйича туманлар кесимида Нишон тумани етакчилик қилмоқда. Ушбу ҳудудда жами асосий капиталга инвестицияларнинг 49,5 %и ўзлаштирилди.

Шунингдек, Муборак тумани жами инвестициялар ҳажмидан 12,7 %ни, Қарши шаҳри 11,5 % ни ташкил этмоқда.


Ғузур ва Дехқонобод туманларида ушбу кўрсаткич мос равишда 9,1 ва 4,1 % ни ташкил этди.

Қамаши ҳамда Қасби туманларида инвестициялар энг кам ўзлаштирилган бўлиб, ҳар бирининг вилоятдаги улуши 0,6% ва 0,7% ни ташкил этди.

**Асосий капиталга инвестицияларнинг молиялаштириш  
манбалари бўйича тақсимланиши  
(2018 йил январь-декабрь)**

	<i>Млрд.сўм</i>	<i>Ўсиш суръати, % да</i>	<i>Жамига нисбатан улуши, % да</i>
<b>Асосий капиталга инвестициялар</b>	<b>15 321,1</b>	<b>107,0</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан:</i>			
<b>Марказлашган инвестициялар:</b>	<b>8191,2</b>	<b>136,0</b>	<b>53,5</b>
бюджет маблағлари	212,9	93,7	2,6
Давлат мақсадли жамғармалари	455,5	121,1	5,6
Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси	687,3	14,0	8,4
Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги кредитлар	6835,5	13,7 м	83,4
<b>Марказлашмаган инвестициялар:</b>	<b>7129,9</b>	<b>86,1</b>	<b>46,5</b>
корхона маблағи	3574,8	84,7	50,1
аҳоли маблағи	1059,2	98,2	14,9
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	1503,7	69,2	21,1
тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	992,2	120,6	13,9

**Марказлашган ва марказлашмаган инвестицияларнинг жами асосий капиталга инвестициялар ҳажмидаги улуши, фоизда**




Марказлашган молиялаштириш манбалар ҳисобидан 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 136,0 % ёки 8191,2 млрд. сўм (жами инвестициялар ҳажмининг 53,5 га) кўп ўзлаштирилди, мос равишда, марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 7129,9 млрд. сўм ёки 86,1 % (жами инвестициялардаги улуши 46,5 %).



Марказлашган инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари асосан Ўзбекистон Республикаси кафолати остида хорижий кредитлар маблағлари (жами инвестициялар ҳажмига нисбатан 83,4 %), тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари (8,4 %) ҳисобига тўғри келди.

Марказлашмаган инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари асосан корхона маблағлари (жами инвестициялар ҳажмига нисбатан 50,1 %), тўғридан-тўғри ва бошқа хорижий инвестиция ва кредитлар маблағлари (21,1 %) ҳисобига тўғри келди.


**Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга инвестициялар  
(жами хажмдаги улуши, %да)**



Асосий капиталга инвестицияларнинг катта қисми, яъни жами инвестицияларнинг 44,6 %и Ўзбекистон Республикаси кафолати остида хорижий кредитлар ҳисобидан молиялаштирилган. Шунингдек, тижорат банклар кредитлари ва бошқа қарз маблағлари ҳисобидан 6,5 %, тўғридан-тўғри ва бошқа хорижий инвестиция ва кредитлар 9,8 %, аҳоли маблағлари 6,9 %, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси 4,5 %, Республика бюджети 1,4 % ва Давлат мақсадли жамғармалари 2,7 % ва корхона ва ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан 23,3 % ва Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан эса 0,3 % асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди.



**Асосий капиталга инвестицияларнинг иқтисодий  
фаолият турлари бўйича таркиби жамига нисбатан,  
(2018 йил январь-декабрь)**



Асосий капиталга инвестицияларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркибида электр, газ билан таъминлаш етакчилик қилмоқда. Ушбу тармоқда жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 7696,7 млрд.сўм ёки жами асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 50,2 %и ўзлаштирилган.

Электр ва газ тармоғи таркибида энг кўп инвестиция ўзлаштирилган фаолият тури қуйидагилар:


- Электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлаш 80,5 млрд.сўм (жами асосий капиталга инвестициялардаги улуши 0,5 %);

Тоғ кон саноати тармоғи таркибида энг кўп инвестиция ўзлаштирилган 2 фаолият тури қуйидагилар:

- Хом нефт ва табиий газ саноати 3641,8 млрд.сўм (жами асосий капиталга инвестициялардаги улуши 23,8 %);

- Метал рудалари саноати 10,4 млрд.сўм (0,1 %); Ундан кейинги ўринда уй-жой қурилиши тармоғи 1322,3 млрд. сўм ёки жами асосий капиталга инвестицияларнинг 8,6 %и ўзлаштирилди.

**Асосий капиталга киритилган инвестициялар ва кредитларни иқтисодий фаолият турлари бўйича:**  
(млрд. сўм ҳисобида)



Иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга инвестицияларнинг ўзлаштирилиши: тоғ – кон саноатида 3664,4 млрд. сўм (жами инвестициялар ҳажмидаги улуши 23,9 %), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш фаолият турида 7696,7 млрд. сўм, (50,2 %), қишлоқ ва ўрмон хўжалиги фаолият турида 127,9 млрд. сўм, (0,8 %), қурилиш фаолияти турида 445,7 млрд. сўм (2,9 %), ташиш ва сақлаш фаолият турида 445,7 млрд. сўм (3,7%), улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш фаолият турида 339,5 млрд. сўм (2,2 %), ахборот ва алоқа фаолият турида 41,6 млрд. сўм (0,3 %), профессионал, илмий ва техник фаолият турида 66,1 млрд. сўм (0,4 %), таълим соҳасида 132,6 млрд. сўм (0,9 %), жами фаолият турларидан ташқари турар жой қурилишида 1322,3 млрд. сўм (8,6 %) инвестициялар ўзлаштирилди.

**2018 йил январь-декабрда асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркиби:**

	<i>жами</i>	<i>Давлат</i>	<i>Нодавлат</i>
<b>Жами, млрд. сўм</b>	<b>15321,1</b>	<b>705,0</b>	<b>14616,1</b>
<i>шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фоиз кўринишида</i>	100,0	4,6	95,4
қурилиш-монтаж ишлари	5327,8	590,5	4737,3
машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар	6434,1	61,6	6372,5
Бошқа ҳаражатлар	3559,2	52,9	3506,3




Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибининг тузилиши 2017 йил январь-декабрга нисбатан қурилиш-монтаж ишларнинг улуши 23,0 фоизли пунктга камайган, машина, ускуналар, транспорт воситалари, ишлаб

чиқариш ва хўжалик жиҳозлар қиймати улуши 26,1 фоизли пунктга кўпайган ва бошқа харажатларнинг улуши 12,9 фоизли пунктга кўпайган.

**Шаҳар ва туманлар кесимида асосий капиталга инвестициялар ҳажми қуйидагича ифодаланган:**

Шаҳар ва туманлар	Инвестициялар ҳажми млрд.сўм	Ўсиш суръати Фоизда	Улуши %
<b>Вилоят бўйича жами:</b>	<b>15 321,1</b>	<b>107,0</b>	<b>100</b>
Қарши ш	1776,8	64,2	11,6
Шаҳрисабз ш <i>туманлар</i>	141,1	216,6	0,9
Ўзғор	1398,5	97,4	9,1
Дехқонобод	623,1	36,1	4,1
Қамаши	93,0	118,8	0,6
Қарши	312,9	51,9	2,0
Косон	393,9	92,0	2,6
Китоб	250,6	151,8	1,6
Миришкор	98,2	132,1	0,6
Муборак	1939,3	119,8	12,7
Нишон	7576,9	158,5	49,5
Касби	101,2	118,1	0,7
Чироқчи	206,9	134,2	1,3
Шаҳрисабз	147,3	105,0	1,0
Яккабоғ	261,4	129,8	1,7

## Шаҳар ва туманлар кесимида асосий капиталга инвестициялар (вилоятдаги улуши)



Туманлар кесимида Нишон ва Муборак туманлари етакчилик қилаётган бўлсада, Китоб ва Чироқчи туманидаги инвестицион фаоллик натижасида юқори ўсиш суръатлари қайд этилиб, мос равишда уларнинг вилоятдаги улуши ошиб бормоқда.

### Қурилиш фаолияти

2018 йил январь-декабрда 3 458,2 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 103,5 фоизни ташкил этди.

Шунингдек, йирик пудрат ташкилотлари томонидан қурилиш ишлари ҳажми 597,9 млрд.сўмни ёки жами қурилиш ишлари ҳажмининг 17,3 % фоизни, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 81,1 % ни ташкил қилди. Кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига жами қурилиш ишлари ҳажмининг 52,4 %и ёки 1 810,6 млрд. сўм тўғри келди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 114,2 %ни ташкил этди, норасмий сектор ҳиссасига эса 30,3 % ни ёки 1049,7 млрд.сўм тўғри келди, ҳамда ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 101,1 % ни ташкил этди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 79,6 фоизи бинолар ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари, 7,2 фоизи фуқаролик қурилиши объектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари ва 13,2 фоизи ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди. Шу жумладан умумий ҳажмдан 72,6 фоизи янги қурилиш, реконструкция ва кенгайтириш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга тўғри келади.

## Иқтисодий фаолият турлари

Иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишларининг асосий қисми қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш, турар жой ва яшаш учун мўлжалланган бинолар қуриш ҳамда яшаш учун мўлжалланмаган биноларни қуриш бўйича амалга оширилган қурилиш ишларидан ташкил топди. Уларнинг улуши жами қурилиш ишлари ҳажмида 79,1 % ни ташкил этди.



Фуқаролик объектлари қурилиши ҳажми жами қурилиш ишлари ҳажмида 7,4 %ни, ҳамда ихтисослаштирилган қурилиш ишлари ҳажми жорий даврда 13,5 %ни ташкил қилди. Бинолар ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари таркибида йирик қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажми улуши 4,9 %ни ташкил

этиб, ўтган йилдаги кўрсаткичга нисбатан 2,7 % пунктга камайди. Бунда кичик ташкилотлар ва микрофирмалар улуши 59,6 % (6,0 % пунктга кўпайиш) ва норасмий секторнинг улуши 38,4 % ни (3,2 % пунктга камайиш) ташкил этди. Фуқаролик қурилиши объектларини қуриш ишлари бўйича йирик пудрат ташкилотларининг улуши 52,6 %ни ташкил этди ва ўтган йилдаги кўрсаткичга нисбатан 13,5 % пунктга камайди.

Шунингдек, кичик ташкилотлар ва микрофирмалар улуши 47,4 % (13,5 % пунктга кўпайиш) ташкил этди. Ихтисослаштирилган қурилиш ишлари таркибида йирик пудрат ташкилотлари томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажмининг улуши ўтган йилдаги кўрсаткичга нисбатан 6,9 % пунктга кўпайди ва 70,1 %ни ташкил этди. Қолган 29,9 % кичик ташкилотлар ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келиб ўтган йилдаги кўрсаткичга нисбатан 6,9 % пунктга камайди.


**Худудлар кесимида қурилиш ишлари  
қуйидагича ифодаланади**

**2018 йил январь-декабрь**

	<i>Жами</i>		<i>шу жумладан:</i>	
			<i>Худудий қурилиш пудрат ташкилотлари</i>	
	<i>млрд. сўм</i>	<i>ўсиш суръати, фоизда</i>	<i>млрд. сўм</i>	<i>ўсиш суръати, фоизда</i>
<b>Қашқадарё вилояти</b>	<b>3458,2</b>	<b>103,5</b>	<b>213,9</b>	<b>64,7</b>
туманлар:				
Ғузор т	171,0	104,2	-	-
Дехқонобод т	103,7	100,5	-	-
Қамаши т	79,4	101,8	-	-
Қарши т	287,6	102,6	4,3	224,1
Косон т	403,5	101,2	7,7	109,0
Китоб т	267,7	106,6	-	-
Миришкор т	101,4	101,3	-	-
Муборак т	192,6	102,4	37,4	53,9
Нишон т	92,6	100,7	9,5	155,4
Касби т	131,1	103,4	4,3	123,7
Чироқчи т	227,3	102,7	-	-
Шаҳрисабз т	165,9	102,5	-	-
Яккабоғ т	173,5	102,9	7,5	272,0
Қарши ш	907,5	108,3	97,6	64,3
Шаҳрисабз ш	153,4	103,5	45,6	64,8

Йирик пудрат ташкилотлари томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажмининг ҳудудлар бўйича таркибида Шаҳрисабз шаҳри етакчилик қилмоқда. Ушбу ҳудудда бажарилган қурилиш ишларининг 29,7 %и йирик пудрат ташкилотлари томонидан бажарилган, Йирик пудрат ташкилотлари томонидан бажарилган қурилиш ишларининг энг кам улуши Касби туманида кузатилди 3,3 %. Бу ҳудуддаги қурилиш ишларининг асосий қисми норасмий сектор ҳиссасига тўғри келади – ҳудуддаги жами қурилиш ишларининг 59,5 %ини ташкилэтди.

### 2018 йил январь-декабрь ойларида қурилиш ишларининг ўсиш суръати (% да)




Қурилиш ишларининг ҳудудлар кесимида энг юқори ўсиш сурати Чироқчи туманида кузатилди. Ушбу ҳудудда "Қарши сонч семент" МЧЖ томонидан семент ишлаб чиқарувчи завод қурилиш ишлари олиб борилмоқда, шу туфайли ушбу ҳудудда ўсиш суратининг 102,7 % бўлишини таъминлади.

Шаҳрисабз шаҳридаги юқори ўсиш сурати, яни 103,5 % темир йўл линияларининг қурилиши, Оқсарой майдонида капитал реконструкция ишлари амалга оширилди ва шаҳарда сайёҳлар учун меҳмонхоналар қурилиши натижасидир.

Ғузур туманидаги юқори ўсиш сурати асосан норасмий сектор томонидан қурилиш ишларининг жадал бажарилганлиги билан боғлиқ.

**Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан  
бажарган қурилиш ишлари тақсимоти қуйидагича ифодаланади:**  
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)



### Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ишлари

Мулкчиликнинг нодавлат шаклидаги қурилиш ташкилотлари томонидан 3280,4 млрд.сўмлик қурилиш ишлари бажарилган бўлиб, жами қурилиш ишлари ҳажмининг 94,9 фоизини ташкил қилди. Шу жумладан мулкчиликнинг давлат шаклидаги қурилиш ташкилотлари томонидан 177,8 млрд.сўмлик қурилиш ишлари бажарилган бўлиб, жами қурилиш ишлари ҳажмининг 5,1 фоизини ташкил қилди.

Ҳисобот даврида Қашқадарё вилояти бўйича жами қурилиш ишлари ҳажми 3 458,2 млрд. сўми, ундан нодавлат секторининг улуши 94,9 фоизни ташкил қилиб, бу кўрсаткич Қарши шаҳрида 2,9 улушни (2017 йилнинг мос даврига нисбатан 90,5 фоизга камайган), Муборак туманида 1,0 улушни (55,0 фоизга камайган), Косон туманида 6,6 улушни (104,3 фоизга кўпайган) ташкил қилди.

Кичик пудрат ташкилотлари ва микрофирмалар томонидан салмоқли қурилиш ишлари ҳажми Қарши шаҳрида 907,5 млрд. сўм ёки 2017 йилнинг январь-декабрига нисбатан 108,3 фоиз, мос равишда Китоб туманида 267,7млрд. сўм (106,6 фоиз), Қарши туманида 287,6 млрд. сўм (102,6 фоиз), Шаҳрисабз туманида 165,9 млрд. сўм (102,5 фоиз) бажарилди.

Жами қурилиш ишлари ҳажмида, корхоналарнинг янги қурилиши, реконструкция қилиниши, кенгайтирилиши ва техник қайта қуроллантирилишининг улуши 72,7 фоизни, капитал, жорий таъмирлаш ва бошқа пудрат ишларининг улуши эса 27,3 фоизни ташкил этди.